

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 94 (65970)  
1996 йил, 18 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

## КОМУСЛИ ЭЛ — НОМУСЛИ ЭЛ!

Мактабимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бағишланган «Комусли эл — номусли эл» мавзусида ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Унда 8-«А» синфининг уткир зехнчилари иштирок этишди. Уқувчилар Конституциянинг мустақил Ўзбекисто-

нимизда тутган урни, моҳиятини айтиб ўтдилар. Шунингдек, истиқлол миллий гуруҳ ҳақидаги ва жарангдор қушиқлари билан барчани хушнуд қилдилар. Беллашувдаги савол-жавобларда Суннат Раҳимов, Алишер Раҳматов, Гул-

ноза Сулаймонова, Муҳайе Жамоловалар аниқ ва тулиқ жавоб бериб, кутубхоначи опамизнинг «Сехрли совга»сини олдилар.

**Малоҳат РАЖАБОВА,**  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон тумани,  
28-мактаб ўқувчиси.

## Бухорога ташриф


Ўтган ҳафта охирида юртбошимиз Илом Каримов Бухоро вилоятида бўлиб ўтган катта йиғилишда гапирдилар. Президентимиз бу замин дунёга Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Наршахий, Садриддин Айний, Файзулла Хужаев каби буюк шахсларни етиштириб берганини таъкидлаб, шу билан бирга бугунги кунда вилоятнинг ҳар томонлама ривожига йўл йилган камчиликларни айтиб ўтдилар. Шунингдек, вилоятдаги айрим мактаб-

ларда ҳалигача мустақиллигимизга зид бўлган ғоялар рамзлари сақланиб турганлиги, баъзи жойлардаги мактаб бинолари нураб бораётгани, спорт майдончалари етишмаслигини ҳам юртбошимиз танқид қилдилар. Йиғилиш охирида Бухоро вилояти хоқими Мавлон Раҳмонов урнига Самойилдин Хусаинов тайинланди. Қайтиш олдидан юртбошимиз вилоятнинг Қоровулбозор туманида қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводидаги ишлар билан танишдилар.

## «Буюк Амир Темур» фильми

Ўтиб бораётган йилимиз тарихга «Амир Темур йили» дея киришини ҳаммамиз биламиз. Соҳибқирон бобомиз таваллудларининг 660 йиллигига бағишлаб мамлакатимизда катта ишлар қилинди. Шулардан бири «Буюк Амир Темур» бадиий фильмининг яратилишидир. Яқинда Тошкентдаги Кино уйида ана шу фильмнинг биринчи намойиши бўлиб ўтди. Фильм курсатилишидан аввал унинг ижодкорлари — академик олимимиз Бурибой Аҳмедов, режиссёр Исмамет Эргашев ва бошқалар киносининг яратилиши ҳақида гапиришди.

«Буюк Амир Темур» бадиий фильми соҳибқирон ҳаётининг 10 йилини ўз ичига олган бўлиб, унда Темурнинг қушин тушлаб мугул босқинчиларига қарши кураши ифода этилади. Оғир жанглардаги содиқлик ва хиёнатларни бошидан кечирган ёш саркардани охириқибат Самарқанд тахтини эгаллаши билан фильм якунланади. Темур ҳаётининг кейинги даврларини ифода этувчи фильм давоми кейинроқ тасвирга олиниши мўлжалланган.



*Арға, арға, арғажон,  
Совгани келади қаргон?*

## «АЛИФБО»НИ ЭНДИ МЕН...

— Алифбони энди мен

Ҳеч қийналмай ўқийман, — деб қуйлаётган болалар ҳар қанча мақтанишса арзийди, чунки улар Сирғали туманида биринчилардан бўлиб лотин ёзувидаги алифбони ўқиб тугатишди. Шу муносабат билан табиатни муҳофаза қилиш, экологияга ихтисослашган 305-мактаб лицейининг 1-синф ўқувчилари мактабда катта байрам тантаналарини ўтказдилар.

Рақсга тушиб шеър айтаётган лотин ҳарфларини ҳижжа-лаб эмас, шариллатиб ўқиб йиғилганларни хурсанд қилаётган болакайлар мураббий ва ота-оналари томонидан ёзилган дастурхон нозу неъматларидан баҳраманд бўлдилар. Ширинликлар еб, меҳмонларга ҳам ширин табассум улашдилар.

## ДИЛЛАР КЕМТИК ЭМАС

Турт мучаси соғ, ўзи ўзига хизматкор одамлар нақадар бахтли. Аммо табиат шу борада камситган болалар нима қилсин? Руҳи тушиб тушқунликка берилсинми, ҳеч кимга қушилмай, бир четда яққаланиб қолсинми? Йўқ! Бизнинг жамиятда яшаш учун тугилганларнинг эртадан умиди бисёрдир. Яқинда А. Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини

ошириш институтида халқаро ЮНЕСКО жамияти билан қилинаётган ҳамкорликка бағишланган семинар бўлиб ўтди. Куриши заиф, эшитиш қобилияти паст болаларни тарбиялайдиган махсус интернат мураббийлари ўз муаммолари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар. Семинарда тавсияномалар, дастурлар ишлаб чиқилди ва умид билан дунёга келган болалар дунё неъматларидан бебаҳра бўлмасликлари учун биргалашиб ҳаракат қилиниши таъкидланди.

## ШОКОЛАДЛИ, БАНАНЛИ КАЙМОҚ ЕЙСИЗМИ?

Тонгги нонустада сут ё қатиқ ичмасангиз, қаймоққа нон тўграб емасангиз кунглингиз жойига тушмайди. Бунинг учун қишлоқда ҳар қанча имкон бор. Сигир боқасиз, говмишларингиз серқаймоқ сут бериши учун уни емлайсиз. Шаҳарда-чи? Шаҳарда ака ва опаларингиз қишлоқлардан келган сут маҳсулотларини қандай қилиб сифатини бузмай етказиш ҳақида бош қотиришади. Пойтахт болалари янги йилда шоколадли, қулупнайли қаймоғу сузмаларни тановул қилишади. Чунки иштаҳани сут маҳсулотларини соладиган идиш ялттироқ қоғозлар ҳам очиб юборади-да. «Тошкентсеут» акционерлик жамоаси Швейцариянинг «Тетра Пак» фирмаси билан алоқа урнатиб сузмаю қатиқларнинг сифатини бузмай, шаҳар аҳолиси ва болажонларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш ниятида ҳамкорлик қилишга келишдилар. Иштаҳангиз карнай бўлсин!

Маҳмуда ХАЙДАРОВА.





раш, футбол мерганлиги, белда оброч айлантириш каби эпчиллик машқларида айниқса «Гузаль» номли 9-болалар боғчаси кичкинтойлари уз маҳоратларини курсата олдилар. Уларга шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Т. О. Қувонов уз совғалари — палосларни топширди. Совғаларни кутариб боғчалари томон кетаётган болаларга биз ҳам эргашдик.

риг булди...

Боғчада тил урганишга алоҳида аҳамият берилади. Айниқса, инглиз тили хонасида болалар янги техника воситалари ёрдамида машғулот утадилар. Боғчадаги тадбирлар ҳам асосан уч тилда — узбек, рус ва инглиз тилларида утиладиган булди. Инглиз тили ўқитувчиси Любовь Николаевна Соколова билан кичкинтойлар бемалол

ча мудираси Светлана Сулаймонованинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, қолаверса, болажонлиги сабабдир.

— Уз болалигини унутган тарбиячи ёмон тарбиячидир, — дейди Светлана Сулаймонова. — Биз ҳам болаларга қушилиб, уйнаймиз, қўшиқ айтаемиз, рақсга тушамиз. Тарбиячи-ю ўқитувчиларимиз турли миллат вакиллари. Лекин ҳар бирлари улар билан узбек тилида гапла-

шишади. Балки шунинг учундир, кичкинтойлар билан тезда тил топиша оладилар.

Гулистон шаҳридаги 9-болалар боғчаси уз номига муносиб, гузал экан. Бу ердаги ишлар, болаларнинг зийраклигию, донолигига ҳавас билан қараб, улар билан хайрлашдик.

Кичкинтойлар эса янги 1997 йилни кутиб олишга тайёргарлик куришар, қўвноқ қўшиқлари боғча ташқарисига ҳам эшитилар эди:

Қуёш булсин, ой булсин,  
Ўзбекистон бой булсин...  
**Феруза ОДИЛОВА.**

## ҚУЁШ БЎЛСИН, ОЙ БЎЛСИН

Боғча эшигидан киришимиз биланоқ ҳаммаёқнинг озодалиги, саранжом-сариништаллиги диққатимизни тортди. Гарчи бу бинонинг қурилганига 30 йил булса-да, худди кеча ишга тушгандек эди. Икки қаватли 8 та гуруҳга мулкжалланган 140 уринли болалар боғчасида турли миллат болалари тарбияланаркан.

Боғчада куз касаллиги билан оғриган болаларнинг алоҳида гуруҳи бор. Гуруҳ болалари ҳар ойда бир маротаба шифокор куригидан утказиб турилади. Йилда бир маротаба касалхонада ётиб даволанишади.

— Гуруҳимиздаги махсус асбоблар ёрдамида 10-15 минут давомида болаларнинг куриш қобилиятларини яхшилашга интиламиз, — дейди тарбиячи Матлуба Сулаймонова. — Кичкинтойларимиздан Зебо Шукурова, Гулзода Жураевалар кузларидаги дарддан деярли фо-

инглиз тилида гаплаша оладиган бўлишган.

Барча тадбирлар мусиқа раҳбари Га Елена Евгеньевна ҳамда боғча услубчиси Бесчастная Любовь Михайловнанинг иштирокида ўтмайди.

Ҳар бир гуруҳда спорт бурчаги мавжуд. Жисмоний тарбия машғулотларини Панарина Ирина Борисовна утар экан, аввало болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, чиниқтиришга қаратадилар. Кичкинтойлар уйқудан уйғонганларидан сўнг чиниқтирувчи муолажалар оладилар. Боғча шаҳар сузиш ҳаваси билан мустаҳкам алоқа боғлаган. У ерда катта гуруҳ болалари сузиш буйича таълим олмақдалар.

Боғча кичкинтойлари вилоят буйича утказилган «Севимли уйинчоқлар» конкурсида фахрли иккинчи уринни эгалладилар. Шаҳар буйича утказилган «Қўшлар ва гуллар байрами» кургасмасида ҳам яхши ютуқларга эришдилар.

Бу ишларнинг барчасида боғ-



Бизга ҳам навбат келар...

— Нега йиғлаяпсан? — сурради меҳрибонлик билан тарбиячи.

— Йиғламаяпман, кузимдан ёш чиқаяпти, холос, — деди Алишер куз ёшларини арғиб. У ҳозиргина тусиқларни оралаб тез югуришда қоқилиб кетганди. Аммо шундай булса-да, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Яқинда «Гулистон» спорт уйингоҳида Гулистон шаҳридаги 4-, 5-, 9-ва 33-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари иштирокида «Соғломжон-полвонжон» теле-танлови бўлиб ўтди. Қум солинган халтачаларни нишонга тушириш, уриндиқлар устида югуриш, узунликка сак-

Газетамизнинг шу йил, 30 ноябрь сониди Эркин Маликовнинг: «Алдагани бола яхшими?» — номли мақоласи эълон қилинган эди. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274 — мактабнинг 7-синф ўқувчилари ушбу мақолани ўқиб, муҳокама қилишибди. Қуйида, уларнинг таҳририятимизга йўллаган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

### БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

«Алдагани бола яхшими?» — мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландик. Икки нафар гулакнинг бевақт улими дилимизни ларзага солди. Мақолада келтирилган фикрлар биз учун ҳам жуда яхши таниш. Чунки, бундай «сохта тижоратчилар» деярли ҳар бир мактаб ёнида «уя куриб» олишган.

Ачинарлиси шундаки, улар ҳеч кимнинг, мактаб директорларининг ҳам, худуд нозирларининг ҳам гапларини қулоққа олишмайди. Бу еқдан ҳайдашса, у еқдан кириб келаверишади... Менимча, бундай олибсотарларга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Биз ўқувчилар ҳам улар сотаётган нарсаларни харид

## «АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?»

қилмаслигимиз лозим. Бу билан мактабимиз озодалигини сақлаган, шунингдек, уз саломатлигимиз учун ҳам қайғурган булардик.

**Нигора РАХМОНБЕРДИЕВА,**  
7-«Г» синф ўқувчиси.

### БИЗДА ХАМ БОР...

Бизнинг мактабимиз ёнида ҳам ана шундай «сотувчилар»нинг савдолари қизигандан қизийди. Писта, курут, турли ширинликлар қаторидан пақиллатадиган уйинчоқлар ҳам урин олган. Болалар мактабда овқатланиш учун олган пулларига шундай нарсалардан сотиб олишади. Қарабсизки, ҳаммаёқ писта пучоқ, фаррош хола асабий. Инсофни сотувчи холаларимизнинг узларига берсин...

**Рихситилла ШЕРМОНОВ,**  
7 — «Б» синф ўқувчиси.

### ЎЗЛАРИ ХАМ ОНА-КУ!

Мен бир нарсага ҳайронман. Турли нарсалар билан савдо қилувчи холаларимизнинг узлари ҳам оналар-ку ахир?! Улар со-

таётган турли уйинчоқлар туфайли руй бераётган кунгилсизликларни кура-била туриб, нахот шундай ёмонликларни узгаларнинг фарзандларига раво куришса? Узларининг ўғиллари ҳам бошқа жойлардан шундай нарсалар сотиб олиб, бахтсизликка учрамайдилар, деб ким кафолат бериши мумкин?..

**Сайёра МЎМИНОВА,**  
7-«В» синф ўқувчиси.

### ИШКАЛ БОЛАЛАР

Улар кимлар дейсизми? Мактабимизга келсангиз, билиб оласиз. Айрим шўх ўқувчиларимиз пақиллатадиган уйинчоқлардан сотиб олиб, қизларнинг папкаларига ҳам солиб қуйишяпти...

**Камолитдин ХУДОЁРОВ,**  
7-«Г» синф ўқувчиси.

### ОТА-ОНАЛАРГА ҲАЙРОНМАН

Оилада 11 фарзандимиз. Ота-онам ҳуда-беҳудага пул беришавермайди. Фақат зарур нарсалар— китоб-дафтарлар учун пулни аяшмайди. Айрим ота-оналарга ҳайронман. Уғил-қизларининг ёнига бир даста пул солиб қуйишади. Бу пулларни нимага харажат қилишяётгани билан қизиқишмайди ҳам. Ҳаттоки шундай ҳовли уйинчоқларни узлари сотиб олиб берадиганлари ҳам йўқ эмас. Менимча, бундай ота-оналарнинг узларини ҳам тарбиялаш керак.

**Ақром КАРИМОВ,**  
7-«Г» синф ўқувчиси.

### МАҚОЛА ЁРДАМ БЕРДИ

«Тонг юлдузи»да босилиб чиққан «Алдагани бола яхшими?»

### Акс садо

сарлавҳали мақолани 7-синфлар орасида ўқиб, муҳокама қилдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, бизнинг ўқувчилар орасида ҳам бундай уйинчоқларни пақиллатиб юрадиганлари йўқ эмас эди. Бундай қалтис уйинларнинг оғир оқибатлари билан танишгач, 65 нафар бола «Энди пақиллатмаймиз. Ота-онамиз берган пулларни беҳудага ишлатмаймиз,» дея суз беришди. Бир суз билан айтганда, мақола ёрдам берди.

Уйлашимча, бу ишга ота-оналар, маҳалла-қуй, ҳокимликлар эътиборини ҳам жалб қилишга тўғри келади. Мактаблар атрофида бундай кераксиз майда-чуйдалар сотиш урнига, газета ва журналлар сотиладиган шаҳобчалар очилса мақсадга мувофиқ буларди. Шунда болаларимиз «айбсиз, айбдорлар»га айланиб қолишмасди.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**  
274-мактаб муаллимаси.

### Таҳририятдан:

Эътибор қилган бўлсангиз, жонқуяр, сезгир ва ўз касбининг фидойиси Маҳмуда Валиева газетамизга бефарқ эмас. Ўқувчиларини ўқишга ундашида, фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, чинакам газетхон қилишида вилоятдаги

барча мураббийларга ўрнат. М. Валиевадан мамлакатимиз ўқитувчилари ибрат олишса эди, ёш муштарийларимизнинг мактублари ўз газетаси «Тонг юлдузи»ни янада нурлантириб юборарди. Хатларингизни кутамиз, азиз устозлар!



Болалигим, олисларда қолган, қулларим етмайдиган афсонам...

Бир кун келиб, сенинг эртакка айланишингни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим...

Севимли болажон, сенга ҳавасим келади. Сенинг қисма-тингда қилинаётган меҳрибонликларни куриб, ҳаприқиб кетаман.

Едимга узимнинг болалигим тушади. Пахта пайкаларида совуқдан қулчаларини қуқ-қуқлаб, ҳар бир чанокдаги пахта-ни худди дарслик китобимни ўқиётганимдай эътибор билан терганларим, боз устига «якка чигит қолдирибсан», — деб мактаб томонидан махсус куйилган ўқитувчининг дашномларини эшитганларим кечагидай эдимда.

Мен ушанда 5-синфда ўқирдим. Инсоннинг қадри, муҳаббати, одамгарчилиги ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Эрта тонгдан пахта даласига келиб кечгача бош кутармай буюк ифтихоримизни терардик. Уша ҳолатда сиқилиб кетган юраклар учун қадри экин. Мен буни энди билаяпман. Сувчи Зокир «сержант»нинг бутун далани бошига кутариб: «Ўйласам, шу дилбарим, маккорга ухшайдику», деб қушиқ айтиши ҳар кун одатга айланган эди. Энг қизиги, биз Зокир «сержант»нинг пойинтар-сойинтар қушиқларига шу қадар «куникан» эканмиз, бир кун булмай қолса, юрагимиз гаш тортарди. Назаримда, инсон табиатининг озодликка, эрка талпиниши, айниқса меҳнат остида

эзилганда билинар экан.

Бир куни «Вилоятдан комиссия келармиш», деган ваҳимали хабар тарқалди. Менинг ваҳимали дейишим ҳозир қулғули туюлади, аммо уша пайтда «комиссия келади», деган хабар шунақа ваҳимали ва залворли эди. Дарров дала шийпонлари чинидай қилиб тозаланди. Қаерданир стол-стуллар, гиламлар олиб келинди. Алоҳида қозонда

жойга боғлаб қуйиш хаёлидан кутарилган шуринг қургур Зокир «сержант»га узига ухшаган ҳазилкаш ҳаётнинг аччиқ ҳазили бор эканми, ишқилиб, қурганини кўрди. Эшак эшаклигини қилиб, пахта пайкалларини оралаб, ҳар хил ут-уланларни ютоқиб чайнай бошлади. Худди шу пайт югур-югурлар куринди. Ҳамманинг диққат-эътибори машинада эди. Гуё ҳозир маши-

келади. Колхозимизнинг деҳқонча этикча кийиб олган, юзини чертсангиз қон томадиган, хушпа семиз райси Зокир «сержант»ни аввал шапалоқ билан қарши олди. Кейин эса шунақаям тепди, шунақаям тепди... Кошқийди бир тешиб бас қилса, аксинча силласи куриб йиқилган Зокир «сержант»ни чузилиб ётган жойида ҳам тинимсиз тепарди. Мен бунақасини ўруш ҳақидаги кинолардагина

У уйда курпа-тушак қилиб етиб олди. Бир ой деганда узига келди шекилли яна далага қайтди. Негадир унинг шаҳди паст эди. Пахта мавсуми ҳам утди, аёвсиз қаҳратон кирди. Қиш кунларининг бирида жужабирдек жон Зокир «сержант» оламдан утди. Кимдир у леда, кимдир бу леда. Биров унинг упкаси касал, деса, яна бири колхоз раисининг нағалли пошнасига

Болалигим, сени соғиндим

## ЮРАКДАГИ ДОҒЛАР

битта қуй нимгалаб солинди. Колхоз раисидан тортиб бригада ҳисобчисигача оёғи куйган товукдай питирлаб қолишди. Биз воқеаталаблар учун мана шунақа томошалар қанча куп булса, шунча яхши эди.

Теримчиларга катта бетонда эшаги билан сув ташиётган Зокир «сержант»нинг оғзи қулоғида, шуҳ-шуҳ қушиқлардан айтади, колхозчилар билан ҳазиллашиб қуяди. Айтмоқчи, унинг «сержант» деган лақабини азбаройи шу номга ташналигидан уни хурсанд қилиш учун куйишган. Умрида армияни курмаган, аммо узи туқиб юрган эртақлари таъсирида узини сержант тасаввур қилиб хурсанд юрадиган бу одамнинг ёрдами тегса тегардики, ҳеч кимга оғирлиги тушмасди. Теримчиларга сув улашаётиб, эшагини бирор

на тухтайди-ю, нимадир портлайдигандай ажабтовур ваҳимали эди. Машина келиб, шийпонга, ҳа, уша комиссия учун ҳозирланган семиз амаки тушиб келди. Биттаси қулини пешонасига тираб, далани синчиклаб кўздан кечирди. Ногаҳонда унинг кузи Зокир «сержант»нинг эшагига тушдию, нимадир деб бақирди. Ҳисобчининг, бригадирнинг ранги қув учиб, қалтираганча келиб эшакни далани ичидан ҳайдай бошлашди. Бир пайт улар эшакнинг эгасини излаб қолишди.

Бечора Зокир «сержант»нинг капалаги учди. Бир зум ранглари оқариб, довдираб қолди. Каловланиб, чақирганларнинг олди борди. Колхоз раислари мени кечирсин-у, ҳалигача колхоз раиси деса ниҳоятда золим, бешафқат одамлар кўз олдимга

курғандим. Энг қизиги, бирор-та одамнинг ҳадди сиғиб колхоз раисининг йулини тусолмади. Ҳатто Зокир «сержант»нинг бечора хотини пахта тераётган эшагини маҳкам тишлаганича пиқиллаб йиғларди.

Комиссия шийпоннинг ичига зиёфатга кириб кетди. Шийпон ҳовлисида уст-боши йиртилган, ҳаммаёғи моматалоқ булиб кетган, бурнидан оқаётган қонни йиртиқ снгига артганча, бошини ердан кутаролмаётган Зокир «сержант»гина қолган эди. У узини халқнинг олдида айбдор деб уйларди. Ҳеч ким унинг кунглини кутармади. Олдига одам ҳам бормади. Шу буйи бир ойлар чамаси Зокир «сержант»нинг кенг далани тулдирувчи қушиқлари эпитилмай қолди.

туя ҳам дош беролмайди, ахир, — дерди.

Нима булса ҳам Зокир «сержант» улди. Биз уни жуда куп эсладик. Айниқса пахта мавсумида унинг урни ёмон билинди.

ЮЛДУЗХОН.

Тахририятдан:

Азиз устозлар, шоиру ёзувчилар, муҳандису боғбонлар — турли касбли, хоҳиш ва интилишлари хотиржам ҳаёт бўлган, аммо болалик соғинчлари дилида марвариддек жилваланган юртимиз дарғалари! «БОЛАЛИГИМ, СЕНИ СОҒИНДИМ», мавзусини давом эттирамиз. Фарзандларингиз маънавияти, фахму фаросатини оширишда ўз хотираларингиз билан саҳифамизни тўлдиригиз. Хатларингизни кутамиз.

## ИСТИҚБОЛИНГА БИР ҚАДАМ

«Семурғ» номли соғломлаштириш оромгоҳи майдони болалар билан гавжум. Улар уйнаб-қулишар, рақсга тушиб, турли мусобақаларда қатнашишарди. Томошаларни кузатиб турган катталар эса уларни қарасаклар билан олқишласа-да, кузларидаги шапқатор ешларини тия олишмасди. Чунки бу болалар олдий болалар эмас, оғир касалликлар билан курашиб келаётган ногирон болалар эдилар. Бу ажойиб байрамни Юнусобод тумани болалар ва усмирлар ижодият маркази ва ногирон болаларнинг ота-оналари клуби ташкиллаб беришди. Тадбирни утказишдан мақсад — ногирон болалар ҳам узларини соғлом тенгқурлари сингари ҳис қилишлари учун имконият яратиш, уларнинг ўқиб-қилари қувонч улашиш эди.

Болалар махсус тузилган дастур асосида бирин-кетин бекат ва шохбекатларни айланиб чиқинди. «Консерватория» бекатида куй ва қушиқлар ижро этишди. «Ҳайвонот боғи» бекатида улар таъсирлаган динозаврлар намойиш этилди. «Метеостанция» бекатида турли фасллар ва табиат ҳодисалари ҳақида бир хил ҳарф билан бошланган сузлардан ҳикоя тузиш мусобақаларини утказишди. Совридорларни узлари сайлаган ҳоким — Рустам Мирзааҳмедов тақдирлаб борди.

Мусобақа ва беллашувлар куй, қушиқларга уланиб кетди. Бир неча йилдирки, ногиронлар аравачасига михланиб қолган Тания исмли қизалоқ узи ёзган шеърни ўқиб берди. Ҳаракатлари суст, эпитиш қобилияти заиф булган Наташа Курочкинанинг мусиқани базур илғаб, минг машаққатлар билан ижро этган рақси ҳаммани ҳаяжонга солди.

Йигинининг энг еш иштирокчиси — 6 ёшли Паша Га исмли болакай церебрал шолнинг энг оғир шакли билан оғриган бўлишига қарамай, шу даражада завқу-шавқ билан уйнадики, томошабинлар орасида йиғламаганлари қолмади.

Ботир Зокиров номли жағгарма, унинг бош ҳомийси — Эколот қушма корхонаси, шаҳар ҳамда Юнусобод тумани «Камолот» жағгармаси ва Дания фирмаси ҳамкорликда уюштирган «Истиқболнинг бир қадам» шиори остида утказилган ушбу тадбир ногирон болалар хотирасида узоқ муддат сақланиши тайин.

Кавсар ТУРДИЕВА.



Куча-қуйда купинча лотин алифбосида битилган ёзувларга кузи тушган айрим катталар уларни ўқинишга бироз қийналишади. Шунда ким ёрдамга келади? Албатта болалар!

Сирдарё вилояти, Й. Охунбобоев жамоа ҳужалигидаги Умар Хужаев номли 18-мактабнинг қуйи синф ўқувчилари ҳам ана шундай билагонлардан. Улар устозлари Ханифа опа Ғаниева кумагида лотин алифбосини ўрнанишяпти. Айниқса, Улугбек Очилов лотин алифбосини яхши билади. Узи ўрганибгина қолмай, улаштиришга қийналаётган синфдошларидан ҳам ёрдами-ни аямайди.

Худойберди ЗУЛФИҚОРОВ олган сурат.

## МЕҲРИМ ОРТИБ КЕТДИ

Менинг меҳрибон ойижоним «Соктаре» кишлоқ алоқа бўлимида бошлиқлар. Ростини айтсам «Тонг юлдузи»га мактабда биригилардан булиб обуна булишимга онажоним сабабчилар. Бир куни улар: «Қизгинам, мана бу газетани бир қара, мактабдошларинг ҳақида ёзилибди, сен ҳам унга мактуб ёзанг-чи», — деб қолдилар. Газетани қулимга олиб синчиклаб ўқидим. Ишонсангиз, мақола, шеър, ҳикоя, ҳатто кроссворд, ребусларгача назаримдан утказдим. Хуллас унга меҳрим ортиб кетди.

Шу меҳрим туфайли келгуси йил учун ҳам обуна булдим. Энди синфдошларим ҳақида гапирадиган булсам, Гулчирай Мансурова, Дилноза Тоғаева, Меҳринисо Тоғаева, Муъссар Насруллаева, Асила Насруллаевалар «Тонг юлдузи» ва «Гулхан»га якка обуначилар сифатида ёзилишди. Яна бир гап: Обунани уюшқоқлик билан утиштиришга устозимиз Робия опа Шарипова, кутубхоначимиз Хонзода опанинг хизматлари катта булган. Газета ва журналларга ёзилишдавом этмоқда.

Озодахон ХОЛОВА,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон туманидаги  
3-мактабнинг  
5-«А» синф ўқувчиси.



Сиз нима дейсиз?

КЕЧ БЎЛИБ КОЛМАСИДАН...

Нон дуқонидан чиқиб келаётгандим. Одамлар орасида уёқдан-буёққа чопқиллаб юрган 6-7 ёшлар чамасидаги бир болакай диққатимни тортди. Уни бироз кузатдим. Утган-кетган йуловчиларни тухта-тиб, ялиниб-ёлвориб пул сурарди. Кимдир бир-икки сўм ташлаб кетар, айримлари қулини силтаб, утиб кетарди. Усти-бошлари тушла-тузук, ранг-руйи жойида. Тиланчилик қилишга уни нима мажбур этдийкин? Ота-онаси бормикин? — деган уйлар билан болага яқинлашиб, исмини суриштирдим.

— Жора, нима эди? — жавоб қайтарди курслик билан у.
— Қаерда турасан, ота-онанг борми?
— Бор, мана бу домнинг орқасида уйимиз. Дадам билан ойим ишдалар.
— Жура, қорнинг очми, нон берайми?
— Қорним тўқ, нима қиламан нонингизни?
— Унда нима учун тиланчилик қилиб юрибсан?
— Ота-онам мактабда овқатланиш учун берган пулларига сигарет сотиб олардим. Сезиб қолишди. Энди пул бермай қуйишган, папкамга ул-бул егуликлар солиб қуйишди. Сигарет сотиб олиш учун қандай қилиб бўлса ҳам пул топишим керак-ку, ахир?! Сиз ҳам беш-олти сўм ташлаб кетинг, опажон...

Хайратдан ёқа ушладим. Юрагимни ваҳм босди. Ота-оналаримиз уззу-кун хизматдалар, деб уз ҳаёти-

мизни заҳарлашимиз жуда осон экан-ку?
Кеч бўлиб қолмасидан олдини олиш керак. Сиз нима дейсиз?
Наргиза ЁҚУБОВА.

ХЕЧ НАРСА ТУШУНМАДИМ

Акам Салоҳиддин шу кунларда жуда узғариб қолганлар: курс ва сержаҳл. Авваллари иккимиз бирга уйнардик, кураш тушардик, туп тепардик. Ҳозир эса бутунлай акси. Бирга уйнаш у ёқда турсин, ҳатто тушунмай қолган дарсимни сурасам ҳам, тушунтириб бермайдилар. Ойим бирор юмуш буюргудек булсалар, менга айтади. Қилмасам уради. Дарс қилиш баҳонасида папкасида аллақандай суратни олиб узоқ-узоқ тикилиб утиради-да, чуқур «ух» тортиб қуяди...

Аслида акамни жуда яхши кураман, чизган чизиқларидан чиқмайман. Лекин кейинги пайтдаги муомалаларидан ҳафа бўлиб кетяпман. Нима, каттаман деб ранжитавериш керакми? Тунов кунни ойимга ҳасрат қилдим. Ойим булсалар, «Хафа булма углим, аканг ҳозир «утиш ёшида», уни тушунишга ҳаракат қил», дедилар? Мен эса ҳеч нарса тушунмадим...

Элёр ОХУНОВ, Паркент тумани.

ИЛМ ЎРТАНИШ

ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

АЛЛОҲНИНГ ердаги элчиси Расулллоҳ айтмишларки, илм ўртаниш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздор. Илм толиби учун боғлиқ мавжудот, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам (уз) гуноҳларини сураб, истиғфор айлайдилар.

Илм ибодатдан афзалдур, чунки у динни тутиб турувчидир. Билим олмоқ икки тоифага бўлинув: яъни, бири қалбани илмга ташналиқдур бу фойдали илмдур. Бундай илм киши ҳаётини то абал нурафшон қиладур. Иккинчи ҳилдаги илм эса фақат тилдагидур. (Яъни узини билагон қилиб курсатишдур) бу тоифадаги толиблар тангри хузурида банд (қул) бўлмоқликка далилдур.

ҲИКОЯТ: Сангзор даҳасинда яшовчи бир савдогарнинг икки хизматкори бор эди. Бири купрок



Бўстон

маош оларди. Иккинчиси озроқ. Иккинчиси биринчисига ҳасад қилар, доим тўхмат тошини отарди.

Бир кунни савдогар иккинчи хизматкорни саволга тутибди:

— Нечун Солиҳга гайри куз ила қарайсан?

Хизматкор турмушидан нолинди. Маоши озлигига писанда қилди:

— Андин куп юмуш бажарурмен, лекин олар маошим оз!

— Яхши, — деди савдогар уйлаб, — бир вазифа юлармен. Ани кунгилдагидек бажарсанг, маошингни ун ҳисса оширурмен.

Иккинчи хизматкорнинг юзига кизиллик югурибди:

— Буюринг.

— Карвонсаройга бор-чи, қайси элдан савдогарлар келибдур.

Хизматкор Сангзор карвонсаройига бориб, тезда қайтибди:

— Бугун тонгда Чин элидан савдогарлар келибдур.

— Қандай моллар келтирибдилар? — деб сурабди савдогар.

Хизматкор ичида «Э, аттанг, шунисини сурамабмен», дея яна карвонсаройга шошилибди. Ва яна тезда қайтиб:

— Шойи газмоллар келтирибдилар.

— Нархи қандай экан... Қандай матолар алмашиш ниётдалар? — дея яна саволга тутибди.

Шу тариқа хизматкор бир эмас, бир неча марта карвонсаройга борибди. Бирок ҳужайинга қониқарли жавоб келтирмабди.

Кунлар утибди. Самарқанди азимга яна турли эллардан савдогарлар келадиган вақтда савдогар икки хизматкорига: «Бор, карвонсаройга бориб шароитни билиб кел, сунг хузурига иккинги бирга киригингиз», дея буюрибди. Маоши

катта хизматкор тезда қайтиб келибди. Иккиси яна хожалар олди-га киришибди.

Биринчи хизматкор борки тафсилотни, неча элдан неча карвон келганини, неча туя мол борлигини, нархи қандайлигини ва сифатини оқизмай-томизмай сузлабди. Шунда савдогар иккинчи хизматкорга қараб:

— Энди бунинг маоши катталигини ва доим иззат-икромда эканлигини англагандурсан? — дея сурабди.

Иккинчи хизматкор жавоб бермабди.

Савдогар:

— Ешлигингда илм олмоқликка кунг қилмадинг. Қобилиятинг дуруст эрсанда, дангасалик қилдинг... Энди эрса, ҳавою-ҳаснинг ҳукмига итоат этмоқдан узга чора йўк, — дебди.

ЭЙ УҒИЛ, ешлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан куз юмма! Илм бир чирокдурки, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказди.

ЭЙ ФАРЗАНД, илм олмоқнинг фазилатлари купдурким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг хурмат ва иззатда булур.

Аллоҳнинг хурматига сазовор фикх илмининг устози ургатмишларким, илмнинг чеки булмагани каби, илм олмоқнинг ҳам поёни йўқдур.

Илми фикҳни расулиллоҳ муҳтасар айлаганлар. Жаҳоний илмлар эса, инсонлар тажрибаси, укуви асосида асрлар давомида қарор топган.

Янги шеърлар

СЕХРЛИ ДЎСТЛИК

Ҳар тонг фаришталар сочим силайди, Уларнинг одатин дил ёмон демас. Ошноқ либос кийиб бахтим тилайди, Мен учун улар ҳеч бегона эмас.

Бошимдан сочади, бахтнинг гулини Анбар ҳиди мени қилади сармаст. Қўлимга қўндирар бахт булбулини Мен энди улар-чун бегона эмас.

Қўлларини очиб, фотиҳа ўқир, Дилимда уйғонган орзулар тўлар. Покиза ҳислардан эртақлар тўқир, Ёзажак шеъримга мавзулар улар... ХУЛКАР—ОЙХОН, Фаргона вилояти.

ЛАҚҚА

Ушлаб катта лаққани Турар эдим мактабин. Бонлаб тишлаб бармоғим, Узиб қочди қармоғим.

ЖЎЖАЛАР

Иним Салим, Шер ва мен, Жўжа олдик фермадан. Хўроз, товуқ, қай бири, Билиш қийин бу сирни.

Пати сариқ барининг, Додив берар арининг, Шаддоди чўқиб ейди, Анқови кўрқиб ейди.

ХЎРОЗ

Керилганча гоҳида, Хўроз юрар соҳилда. — Сувга туш, — дер ўрдақлар, Пати ошноқ, бирдеклар.

Хўроз айбини яшириб, Лоф уради ошириб: — Бугун нотинчроқ овул, Мен сизларга қоровул!

Пўлатбой ЭРМАТ, Хоразм вилояти.

Саломатлик сандиғи


ЧИЛОНЖИЙДА



Менинг асли исмим унобидир. Яна мени «уннон», «санжади гургон», «уни нафдор», «табархун», «силона», «шийлона», «сиби кухий», «шийлонак» деб ҳам атайдилар. Менинг овқатлик хусусиятим кам. Аммо ҳароратни сундираман. Қон босимини пасайтираман, нафас олиш йуларини, қоринни юмшатаман, қонни тозалайман. Мен қоринни бироз дам қиламан ва қийин ҳазм буламан. Агар мени туйиб есангиз, меъда ярасига ва ичак ялиғланишига фойда қиламан. Мен жигар, буйрак ва пешобни тозалайман. Агар мени косаний (цикорий суви ёки исканжабин) асал ва сиркадан қилинган сироп билан кайнатилса вабога, терламага, безгакка қарши фойда қилиб, сафро ва қон босимини пасайтираман. Гулобда ивтилган ҳосилим спиртли ичимликлар зарарини камайтиради ва куз оғригига даводир. Мендан бир кунда 50 донача ейиш мумкин.

Қайнатилган баргим сувидан ҳар кунни ярим литрдан беш кунгача ичилса, бадан қичишини йўқотади. Қуриган баргимни туйиб, оғиз ичидаги ва бадандаги яраларга сепилса, тузатади. Мени арралаганда чиққан қипиқдан ичилса, қорин оғриги, қичима ва қутир касалликларини тузатади.


Менинг дарахтимда буладиган пукак танҳо ҳолда ёки бошқа муносиб дориларга қушилган ҳолда ишлатилса, куз касалликларига наф қилади. Менинг тоза баргимдан чайналса, таъм билиш қобилиятини вақтинча йўқотади. Шунинг учун аччиқ дориларни ичишдан аввал ундан фойдаланиш мумкин.



Бошқотирма

Азиз укучилар! Ушбу кроссворд одатдагиларидан узгача бўлиб, шаклдаги катакларда қуйида устун ҳолида берилган рақамларни ёзиш билан ҳал этилади. Бунда катаклар буйича ёзилиб, устунда тагига чизилган ва шаклда акс этган «9054» турт хонали рақам «очқич» вазифасини бажаради. Қолган барча рақамлар ҳам шу тартибда энига ёки буйига, кесилиб утадиган катаклардаги сонларни бир хил тартибда ёзиш билан кроссворд ҳал этилади.

Table with 5 columns of numbers for the crossword puzzle.



Тузувчи: Ф. ОДИПОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилад ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0709. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга топириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

- List of contact information including phone numbers and addresses.